

# ЎҚУВЧИЛАР ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯСИДА КАШТАЧИЛИКНИНГ ЎРНИ

*Шомирзаев Махматмурод Хурамович*

*Термиз давлат университети Технологик таълим кафедраси доценти,  
педагогика фанлари доктори (DSc).*

*e-mail: [shomirzaevm@tersu.uz](mailto:shomirzaevm@tersu.uz)*

**Аннотация:** Муаллиф мазкур мақолада каштачиликнинг миллатлараро ўзига хос хусусиятларини мисоллар асосида тушунтирган. Шунингдек, меъморчиликда ва бирор буюмни безашда аппликация усулидан кенг фойдаланишга нисбатан тавсиялар берилган.

**Таянч сўзлар:** урф-одат, хусусият, элемент, нақш, япроқ, сўзана, кирпеч, чойшаб, ойнахалта, чойхалта, зардевор, палак.

**Аннотация:** Автор поясняет в данной статье примеры межэтнических особенностей вышивки. В нем также содержатся советы о том, как применять самые разнообразные приложения в архитектуре и при украшении предметов.

**Ключевые слова:** обычай, особенность, элемент, узор, лист, сюзана, плет, лист, зеркало, чайник, базилик, палак.

**Annotation:** The author explains in this article examples of interethnic features of embroidery. It also contains tips on how to apply a wide variety of applications in architecture and in decorating objects.

**Key words:** custom, feature, element, pattern, leaf, suzane, whip, leaf, mirror, teapot, basil, palak.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари ва хусусиятлари бўлади. Чунончи, украин халқ нақшларида кўпроқ кунгабоқар, хўрса, куш, буғдой ва бошқа нарсаларнинг кўринишлари акс этса, қирғиз ва қозоқ нақшларида эса шохли ҳайвонлар ва уларнинг шохлари, ўтовлар тасвир чизилади. Тожик халқ нақшларида лола, бодом, ҳар хил гуллар; туркман халқ нақшларида эса эчки калласи, узум танаси, қушлар кўп тасвирланса, ўзбек халқ нақшларида эса типик элементлар сифатида япроқ, гул, ғунча, куртак, лола, қалампир, анор, анор барги, нок, кўп баргли гул ва бошқалар ифодаланади.

**Аппликация** – лотинча ёпиштириш деган маънони билдириб, газлама қоғоз ва бошқа тикиш йўли билан безаш демак. Аппликация каштадўзликни махсус тури бўлиб, у ўзига хос технологияга эга. Асосий матога рангдор мато парчасини, чарм ва бошқаларни қадаб, атрофи чокланади. Аппликацияда кўпинча чизма чоклардан фойдаланилади. Каштанинг бу тури Ўзбекистонда

яхши ривожланган. Ҳозирги вақтда кўпинча болалар пальтоларига, кўйлақларига, бош кийимларига ҳар хил қуш, мева, гул ва ҳайвонлар тасвири аппликация усулида чокланади. Айрим ҳолларда аёлларнинг кийимлари шу усулда безатиляпти. Архитектурада ва бирор буюмни безашда аппликация усулидан кенг фойдаланиб келинмоқда.

Ўрта Осиёда каштачилик санъати кенг тарқалган бўлиб, оилада ҳар бир аёл кашта тикишни билиши шарт бўлган. Шунинг учун ҳар бир оила ўзи учун кирпеч, сўзана, дорпеч, ойнахалта, чойхалта ва бошқаларни ўзлари тайёрлаган. Безак буюмларининг тури жуда кўп, масалан, сўзана, кирпеч, чойшаб, ойнахалта, чойхалта, зардевор, палак, гуокўрпа, дорпеч, бугжом, парда, белбоғ, такапуш (ёстик устига ёпиладиган), дўппи, кўйлақ, даструёмол, ҳамён, жойнамоз, сўмка, нимча, маҳси-кавуш, халтача ва бошқалар бадий дид билан матоларга тикилган. Кейинчалик сатин, шойи бахмалга тикиладиган бўлди.

**Жойнамоз** – ерга солиб, устида намоз ўқийдиган тушама. Ислом динига эътиқод қилувчилар ишлатишади. У ибодат вақтида кишини бу дунёдан ажратувчи омил деб тасаввур қилинади. Жойнамоз ҳар хил матодан тайёрланиб, унинг уч томони меҳроб шаклида тикилган бўлиб, ундан масжид, мадраса ва уйларда фойдаланилади. У турли ўлчамда бўлади. Ибодатни қанда қилмаслик учун бошқа нарсалардан фойдаланиш мумкин. Масалан, чопон, қийиқча, шолча кабилардан, чунки улар диний нуқтаи назардан пок ҳисобланади. Жойнамоз каштачиликда чиройли қилиб безатилган бўлади.

**Зардевор** – уй жиҳози. У сидирға шойи, бахмал, сатинга кашта тикиб безатилган бадий буюм. Зардевор ўзбек ҳамда тожикларда янги тушган келиннинг уйига, шафтига ёки деворига илиб қўйилади. У зар ип ёки ипак ҳажмли бўлиб, эни 40-70 см, узунлиги мўлжалланган уйнинг деворига мослаб тикилади.

**Палак** – деворларга илинадиган энг йирик, энг қиммат безак буюмларидан бири. Палакда осмон ва тўлин ой акс эттирилади. У қадимда оқ

ва малла бўзга кашта тикиб тайёрланган. У сўзанадан гулларининг йириклиги, заминга ҳам кашта қопланиши билан фарқ қилади. Палакнинг ўртасида йирик ой тасвири қизил қирмизи, пушти ипак билан кашталанади ва атрофи жуда чиройли қилиб қалампир элементлари қўлланилади. Палакда қирқтача ойни тасвирлаш мумкин. Шунинг учун ойнинг сонига қараб олти ойли палак, ўн икки ойли палак, ҳаттоки катта уйлар учун қирқ ойли палак тикилгани бизга маълум. Ойлар турли ранглар билан бир неча хил тасвирланган. Машҳур каштадўзлар баъзида ойни ажойиб нақшлар билан безаб, ўз маҳоратларини намоеён этганлар. Агар ойнинг ичи сидирға рангда ифодаланган бўлса, уни ойпалак, агар нақшли бўлса, гулпанак ва хоказо номлари билан юритилади. Кейинги вақтларда палакни қўлда тикишга катта аҳамият берилмоқда.

**Кирпеч** – кирпуш, токчага тахлаб қўйилган кийим-кечак устидан ёки деворни вертикал бўш жойларига илиб, уйни безатиб туриши учун ишлатиладиган бадий буюм. Кирпеч кашталари қўлда ёки машинада тикилади. Кирпеч қўлда илма кашта билан безалади. У кийим-кечакни чангдан сақлайди ва уйни безаб туради. Одатда, палакка ўхшатиб тикилган кирпечпалак деб юритилади. Бу тури ҳам кенг ишлатилади.

**Сўзана** – форсча сўзана деб ҳам юритилади. Игна билан тикилган деган маънони беради. Сўзана матога кашта тикиб тайёрланган бадий буюм бўлиб, хонани безатиш учун деворга илиб қўйилади. У сатин, бахмал, шойи ва бошқа матоларга кашта тикиб тайёрланади. У ўзига хос бадий кўринишга эга. Матонинг рангидан устарамиз кашта замин сифатида фойдаланадилар. Шунинг учун палакдан фарқ қилади. Сўзана ҳар бир хонадонда бўлган, чунки ҳар бир қиз турмушга чиқишдан олдин ўзи учун сўзана тайёрлаган. Сўзана келинларнинг сепи ҳисобланган.

Камбағал оилада сўзанани малла, оқ бўздан, бадавлатларида эса шойидан, бахмалдан тикишган [2,33]. Сўзана учун композицион жойлашган ўсимликсимон нақшлардан фойдаланилади. Сўзана ўртасида кўпинча доирасимон гул тикилиб, атрофи гулдор исломий нақшлар билан безатилади.


Сўзана тикиш жуда қадимдан ривожланган бўлиб, XIX асргача бўлган сўзаналар сақланмаган. Фақат XIX асрга оид Самарқанд, Бойсун, Бухоро, Нурота, Фарғона, Ўратепа, Шаҳрисабз, Тошкент ва бошқа жойлардаги сўзана турларидан намуналар бор. Санъатнинг бу тури, айниқса, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида қадимдан кенг тарқалган. XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб, сўзана машинада тикилиб келинмоқда.

**Чойшаб** – форсча-тожикча руйжо – тун чодир деган маънони билдиради. Чойшаб асосан, тахмонга тутиш, ётганда ёпиниш учун тўшак устига тўшалади. Тўшак устидан ёзиладиган чойшаб кам каштали оқ суруп, тахмонга тутиладиган сатин, шойи, бахмал ва бошқалардан тикилади. Ҳозирги вақтда чойшабдан сўзана каби бадиий буюм сифатида ҳам фойдаланиб келинмоқда.

Ўқувчиларнинг амалий санъатга бўлган қизиқишлари атрофлича ўрганилди ҳамда уларнинг бу қизиқишларини орттиришга қаратилган тадбирлар тизими ишлаб чиқилди (1-расм).

Ўқувчилар ўзбек халқ амалий санъатининг асосини каштачилик ташкил этиши, қадимги Шарқ меъморчилик санъатининг бетакрор композициялари, ганч, ёғоч ўймакорлиги ва амалий санъатнинг бошқа турларида кашта композициялари ўзининг чиройи, гўзаллиги ва нафислиги билан бутун дунёга машҳурлиги ҳақидаги маълумотларга эга бўладилар.

Каштачиликнинг асосий тамойиллари – уйғунлик, мутаносиблик, колорит ва усулларнинг вужудга келиши тарихи ва уларнинг аҳамияти билан танишадилар. Каштачилик анъаналари (санъатнинг ана шу турини ўргатиш методлари сифатида ҳам), унда рангнинг табиий жилоси, бежирим шакли, олий намуналари бой ижодий фантазияси ҳақидаги билим, кўникма ва малакаларга эга бўладилар.



**1-расм. Ўқувчиларни амалий ва бадий безак санъатига қизиқтиришларини орттиришга қаратилган тадбирлар тизими**

Ўқувчиларнинг амалий ва бадий безак санъатига бўлган қизиқишларини ривожлантиришда қуйидаги тавсияларни ошириш мақсадга мувофиқ:

- умумтаълим мактабларининг ДТСлари, намунавий ўқув режалари ва дастурларида таълим олувчиларга амалий ва бадий безак санъатини ўргатишнинг турли усуллари, ўқитишнинг самарали йўллари ривожлантириш тўғрисида маълумот бериш;

- амалий ва бадий безак санъатидан дарс берувчи мутахассис ўқитувчиларнинг касбий билимлари бўйича ахборот технологиялари асосида малака оширишини ташкил этиш;

- республикада тасвирий ва амалий санъат турлари бўйича турли танловларнинг юқори савияда ўтказилишини ва уларда талабаларнинг иштирокини таъминлаш лозим.

Умумтаълим мактабларида миллий кадриятларимиз ўқувчининг фаолиятини тўғри ташкил этишда, оиладаги ижодий муҳит, ёшларни ота-боболаримиздан мерос бўлиб келган ўзбек халқ амалий санъатининг ҳақиқий давомчилари қилиб тарбиялашда, ҳаётга тўғри йўналтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Зеро, бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлида четда қолиб кетиши муқаррар.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сотиболдиев З.Ш. “Дизайн асослари”. -Т.: “Иқтисод-молия”. 2008.Б.69
2. Ҳабибулло Солих. Рамзий безаклар маъноси. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003. №3. Б.33
3. Ходжабоев А.Р. Научно-педагогические основы учебно-методического комплекса подготовки учителя труда. Автореф. дисс...д-ра пед. наук. –Т.: 1992. С.79
4. Шомирзаев М.Х. Мактаб технология таълимида миллий хунарманд-чиликнинг спектрал-вариатив компонентларини фанлараро такомиллаш-тириш назарияси ва амалиёти. Монография. – Т.: Tafakkur, 2020. – 164 б.
5. Шомирзаев М.Х. Ўзбек миллий хунармандчилигида мато тайёрлаш-нинг ўзига хос жиҳатлари // Тафаккур зиёси. – Жиззах, 2019. – 4-сон. – Б. 70.
6. Shomirzayev, M.Kh. (2019). Local features of the traditional embroidery of the Ferghana valley. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. -7 (12). -P. 972.
7. Шомирзаев М.Х. Зардўзлик хунарини ўқувчиларга ўргатишда миллий анъаналарнинг аҳамияти //“Бойсун-баҳори” очик фольклор фести-

валини “Жаҳон цивилизациясида Бойсуннинг моддий ва маънавий маданияти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Т.: Yangi nashr, 2019. – Б. 383.